

РОССИЯНИНГ ХИВА ХОНЛИГИГА ҚАРШИ ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАРИ ВА ХИТОЙ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7335696>

Саидов Ш. Ж.

т.ф.н., ТДШУ Маркзий Осиё халқлари тарихи
ва этнологияси кафедраси доценти

Аннотация. Ушбу мақола, XIX асрда Россия империясининг Хива хонлигига қарши олиб борган ҳарбий ҳаракатлари даврида Хитой билан муносабатларига бағишланган бўлиб, Хива хонлигини эгалланишининг кечиктирилишига сабаб бўлган Хитойда рўй берган воқеалар баён қилинади.

Калит сўзлар: Хива хонлиги, Россия империяси, Хитой, Ўрта Осиё, муносабатлар, Шарқий Туркистон, Синьцзян, шартнома

Аннотация. Данная статья посвящена взаимоотношениям Российской империи с Китаем во время военных походов на Хивинское ханство, а также, описываются причины запоздания в завоевании Хивинского ханства из-за событий, произошедших в Китае.

Ключевые слова: Хивинское ханство, Российская империя, Китай, Средняя Азия, Восточный Туркестан, Синьцзян, договор.

Annotation. This article is devoted to the relationship of the Russian Empire with China during military campaigns against the Khiva Khanate, and also describes the reasons for the delay in the conquest of the Khiva Khanate due to the events that took place in China.

Key words: Khanate of Khiva, Russian Empire, China, Central Asia, East Turkestan, Xinjiang, treaty.

Маълумки, 1860 йилларининг охири ва 1870 йилларнинг бошларига келиб Россия империяси Хива хонлигига қаршли бўлган ҳудудларда ҳарбий-истехкомларни куришни тезлаштиради. Асосий мақсад ушбу истехкомлардан Хива хонлигини эгаллашдан тянч нукта сифатида фойдаланиш бўлган. Бунга жавобан, Хива хонлиги ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун қатъий ҳаракатларни бошлайди¹. 1869 йилнинг бошларида Сирдарёнинг қўйи оқимида Казалинск ҳарбий қалъасини кураётган рус ҳарбийлари у ерда яшаётган ва Хива хонлиги фуқаролигида бўлган қозоқларни бўйсундириш учун қўшин юборади. Бундан хабар топган Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) Муҳаммадмурод Девонбеги бошчилигида, Муҳаммад маҳрам, Абдурахмон сарҳанг каби саркардалар етакчилигидаги қўшинни ўша жойга жўнатади². Қўшин 1869 йилнинг 1 февралда Хивадан чиқиб, Тойқара деган манзилга етиб келади. Қўшинга рус ҳарбийлари томонидан Хива хонлиги чегараларига даҳл қилинаётганлиги ҳақидаги миш-мишларнинг тўғри ёки ёлғонлигини аниқлаш ва лозим бўлса уларга зарба бериш, чегара ҳудудларида осойишталикни таъминлаш вазифаси қўйилади³. Хон вакиллари чегара ҳудудларида истиқомат қилаётган қозоқ уруғларини руслар таҳдидидан ҳимоя қилиш мақсадида 15 кун давомида мамлакатнинг ичкари қисмига, хавфсизроқ жойларга кўчиришга эришади⁴. Хива хонлиги ва Россия империяси, гарчи уруш ҳолатида бўлмаса ҳам, воқеларнинг ривожини, рус қўшинларининг

¹ Бартольд В.В. События перед хивинским походом 1873 года по рассказу хивинского историка. – С.11.

² Ўша жойда.

³ Бартольд В.В. События перед хивинским походом 1873 года по рассказу хивинского историка. – С.11.

⁴ Ўша жойда. – С.12.

харакати икки мамлакат ўртасида тез орада ҳарбий тўқнашув бўлишидан дарак бераётган эди.

Чунки, 1870 йилга келиб, Туркистон ўлкасининг анча қисмини эгаллаб олган руслар асосий эътиборни Хива хонлигига қарши қаратади. Россия ҳарбий вазири, граф Д.А.Милютин 1870 йилнинг 13 мартида фон Кауфманга ёзган хатида Хива хонлигига қарши тузилган ҳарбий режаси Россия императори Александр II (1855-1881) томонидан маъқулланганлигини маълум қилади⁵. Ушбу хат билан Хива хонлигининг тақдири ҳал қилинган эди. Аммо, шу йили Хитойга қарашли Шарқий Туркистон жойлашган Қошғар музофотида рўй берган воқеалар туфайли, Кауфман Хива билан боғлиқ режасини кейинроққа қолдиришга мажбур бўлади.

Шу даврда рус кўшинлар ҳам Шарқий Туркистон ерларига кириб келган бўлиб, Якуббекнинг бу ҳудудлардаги муваффақиятлари ва Қўқон хонлиги билан иттифоқи Россия империясининг геостратегик мақсадларига мувофиқ келмас эди. Эндиликда Якуббек давлати Россиянинг Марказий Осиёдаги манфаатларига хавф сола бошлайди. Айнан мазкур ҳарбий-сиёсий вазият Туркистон генерал-губернатори, Ўрта Осиёда рус кўшинларининг бош кўмондони Кауфманни 1870 йилда Хива хонлигини босиб олиш режасини орқага суришга мажбур қилади. Россия армияси 1870 йилда Шарқий Туркистон бостириб киради. 1871 йилда эса Или вилояти бўйсундирилади ва ўн йилдан ортиқроқ вақт давомида эгаллаб турилади.

Бу даврда Англия ва Россия империяларининг Ўрта Осиё минтақасида ҳукмронлиги қарама-қаршилигида ва бунда Россиянинг муваффақиятини таъминлаган сабаблардан бири сифатида Хитой сиёсати муҳим рол ўйнади дейиш мумкин. Бундай геосиёсий ҳолатда Россия ва Хитой Англияга қарши ўзаро ҳамкорлик қилиш сиёсатини юритишади⁶. Россиянинг дипломатик фаолияти ва бунда Хитой манфаатларининг ҳисобга олиниши боис Хитой Россия империяси билан келишув йўлини танлаган. Чунки бу вақтда Англия бевосита Хитойнинг ўзига хавф солаётган эди. XIX ўрталарига келиб, Буюк Британиянинг Ҳиндистон ва Афғонистон ҳудудидаги фаолияти, Ўрта Осиё хонликлари босиб олиш хавфини кўчайиши, инглизларнинг хонликлардаги дипломатик фаоллиги ва маҳсулотларининг кириб келиши Россия ҳукмрон доиралари ва савдо-саноат вакиллари ташвишга солиб, уларнинг минтақага интилишларини янада кучайтиради.⁷ Бироқ, XIX асрнинг ўрталарида Англиянинг Ҳиндистон ва Афғонистондаги ҳарбий-дипломатик ва сиёсий муваффақиятсизликлари Россиянинг Ўрта Осиё хонликларини эгаллашига имконият яратади. Бу борада юқорида таъкидлаганимиздек, Хитойнинг Марказий Осиёга нисбатан келишув сиёсати ҳам Россия империясининг муваффақиятини таъминлаган ташқи омиллардан бўлди дейишга етарли асослар бор.

Шунинг учун ҳам Хитойнинг Россия империяси билан ҳамкорлик сиёсати туфайли 1881 йилда Санкт-Петербург шаҳрида мамлакатлар ўртасида тинчлик ва чегаралар бўйича шартнома имзоланади⁸.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳоннинг етакчи давлатлари ҳисобланган Россия ва Англия ўртасида Осиёда устунлик қилиш учун рақобат ва кураш ўзаро келишув сиёсатига алмашинади. Дунёни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш сиёсатига XIX асрнинг охирига келиб ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан қудратли ҳалқаро субъектга айланган Германия империяси кўшилади. Германия эндиликда, Буюк Британия ва Россия

⁵ Ўша жойда. – С.13.

⁶ Ануфриев К.С. Политика России и Китая в Центральной Азии: опыт сравнительно-исторического анализа. Москва.:2010г.С.12.

⁷Ўзбекистон тарихи(1860-1917 йиллар).Масъул муҳаррир ва лойиҳа раҳбари т.ф.д.,проф.Д.Х.Зияева.Т-2014й.Б.31

⁸ Ўша жойда.С.16.

мустамлакаларига хавф тўғдира бошлайди. Бунинг натижасида, аввал рақиблар бўлган давлатлар иттифоқчиларга айланадилар. 1907 йилда Россия, Англия ва Франция 1904 йилда ташкил қилган “Антанта” ҳарбий-сиёсий блокига қўшилади. Ўзаро келишувга кўра Афғонистон, Хитой ва Марказий Осиё халқлари ўртасида ҳозирги чегаралар шаклланган. Афғонистон Англиянинг таъсир доирасига киритилган бўлса, Туркистон эса Россия империясининг ҳудуди сифатида тан олинади. Қўқон хонлиги тугатилади, Хива ва Бухоро хонликлари Россия империясининг мустамлака давлатларига айлантирилади. Айниқса, Хива хонлиги ҳудудининг катта қисми тортиб олиниб, империя мулкига қўшиб олинади. Хитой ҳам таъсир ҳудудларига бўлинади.

Шундай қилиб, Марказий Осиё XIX аср давоми ва XX асрнинг бошларида қудратли давлатларнинг геосиёсий манфаатлари тўқнашган рақобат ва кураш майдонида айланади. Жаҳоннинг уч империяси Хитой, Россия ва Буюк Британия минтақада устунлик ва ҳукмронлик учун кураш олиб боришган. “Катта ўйин” номи билан тарихда ўрин олган ушбу сиёсат натижасида Марказий Осиёнинг шарқий ҳудудлари (Муғулистон, Шарқий Туркистон ва Тибет) Хитой империясига ва ғарбий ҳудудлари (Ўрта Осиё хонликлари ва ҳозирги Қозоғистон) Россия империясига қўшиб олинади. Минтақанинг жанубий сарҳадлари (Афғонистон) Англиянинг “мулки” сифатида тан олинади. Россия империяси Хива хонлигини 1870 йилда эгаллаб олиш режасини ишлаб чиқади. Аммо, шу йили Цин империясига қарам бўлган Шарқий Туркистон(Синьцзян) ҳудудида руй берган воқеалар боис, Хива хонлигига нисбатан ҳарбий ҳаракатлар вақтинчалик тўхтатиб турилади. Россия империяси 1870 йилда Шарқий Туркистонга қўшин олиб киради ва 1871 йилда бир қисмини эгаллаб олади. Бу ерда мустақамланиб олгач, 1873 йилнинг қиш-баҳорида Хива хонлигига қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлайди ва шу йили май ойининг охирларида хонлик босиб олинади. 1873 йил 12 августда билан тузилган Гандимиён шартномасига кўра Хива хонлиги Россия империяси қарам давлатга айлантирилади. Натижада, Марказий Осиёнинг шарқий ҳудудлари икки давлат ўртасида тақсимланади, минтақада Хитой ва Россия империялари чегардош давлатларга айланадилар.